




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“ФАРМАЦИЯДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
(ХАЛҚАРО ИШТИРОКДА) МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ (С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)**

**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И  
ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»**



Дорихонада 20 хил ассортиментдаги дори воситалари тайёрланади: натрий хлориднинг 0,9% ва 1 % ли эритмаси, новакаиннинг 0,5% ва 0,25% ли эритмаси, димедролнинг 1% ли эритмаси, никотин кислотасининг 1 % ли эритмаси, кальций хлориднинг 10% ли эритмаси, кальций хлориднинг 3% ли эритмаси, анальгиннинг 25% ва 50% ли эритмаси, эуфиллиннинг 2,4% ли эритмаси, папавериннинг 2 % ли эритмаси, дибазолнинг 1 % ли эритмаси, натрий бикарбонатнинг 4 % ли эритмаси, магний сульфатнинг 25 % ли эритмаси, аскорбин кислотасининг 5% ва 10 % ли эритмалари кальций хлориднинг 5 % ли эритмаси, кальций йодиднинг 1% ли эритмаси, натрий бромиднинг 1 % ли эритмаси, фурациллин 1:5, пероксид 3% ва 6%, протаргол 1% ва 2% ли эритмалари. 3-Шахар болалар клиник шифохонасининг бўлимлари ўртасида ўринларнинг тақсимланиши куйидагича: болаларни жонлантириш бўлими 15 та, 1-гўдак болалар бўлими 30 та, 2-гўдак болалар бўлими 25 та, пульмонология 30 та, аллергология 30 та, кундузги шифохона 16 та, умумий педиатрия 30 та, умумий терапия 30 та, чала туғилган болалар бўлими 30 та, оналарни соғломлаштириш бўлими 10 та, кундузги даволаш бўлими 20 та, неврология бўлими 30 та, жами 296 та.

**Хулосалар:** 3-Шахар болалар клиник шифохонасига карашли дорихона меъерий талабларга жавоб беради, дорихона йўлагига етарлича ёруғлик яратилмаган, . Дорихона ходимларининг хар бирига алоҳида ишчи кийимлар ажратилмаган. Натижада омборхона ва ювиш хоналарида ишлайдиган ишчилар ишчи кийимларни аралаш кўядилар, дорихона йўлагига етарлича ёруғлик яратилмаган, ишлаб чикариш хоналарида ишламайдиган ходимлар бевосита кимёвий реагентлар билан ишлашлари туфайли соғликларига маълум бир даражада зарар келтиради. Шу сабабли ходимларга махсус озик-овқат берилиши зарур, дорихона ходимлари ишлаш вақтида кўп пайт бир хил тана ҳолатида ишлашларига тўғри келади, натижада камхароратлик туфайли остеохондроз, юрак кон томири касалликлари келиб чиқиши мумкин.

**Адабиётлар:** 1. 3-Шахар болалар клиник шифохонасига карашли дорихонанинг бухгалтерия хисоботи маълумотлари.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 18 июндаги 191-сонли буйруғи «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисида».

**Умарова Ш.З., Таиров Х.В.**

#### **ДОРИХОНАЛАРДА САВДО ХАЖМИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Ташкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: umarova.shakhnoz@mail.ru

**Ишнинг мақсади:** аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини узлуксиз дори-дармон ва тиббий техника билан таъминотига таъсир қилувчи омилларини ўрганиш.

**Усул ва материаллар:** таҳлил учун Тошкент шаҳар юқори Чирчиқ туман 7-сон марказий дорихонасининг хисобот ҳужжатлари, бухгалтерия баланси, молиявий хисоботлари асосида иктисодий таҳлилнинг солиштириш, аналитик қайта ишлаш, нарх индекси ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Натижалар:** маълумки, дорихонанинг асосий вазифаси, мулкчилик туридан катъий назар, аҳолини ва даволаш профилактика муассасаларини безарар юқори самарали дори восита ва тиббий буюмлар билан таъминлашдир.

Ушбу вазифани амалга оширилиши дорихона фаолиятида бир нечта функцияларни бажарилишини талаб қилади.

Дорихона микроиктисодиёт субъекти бўлиб, унинг иктисодий фаолиятини белгиловчи ўзига хос хусусиятларга эга. Энг аввало дорихона – бу соғлиқни сақлаш муассасасидир. Дорихона иктисодиётини белгиловчи асосий хусусияти шундаки, унинг фаолиятида тиббий, ишлаб чикариш, маркетинг, ахборот ва савдо функциялари мужассамлашгандир.

Якка тартибда ва кичик серияда олдиндан тайёрлаб қўйиладиган дори воситаларини тайёрлаш учун хом-ашё заҳарларини тайёрлаш, дори воситаларини тайёрлаш хоналарига

қўйилган алоҳида талаблар (асептик блокинни ташкил этиш, фармацевт-аналитик хонаси, ассистентлар хонаси) дори воситаларини тайёрлаш учун меҳнат ҳақи, қўшимча электроэнергия каби ҳаражатлар дорихонада товар айрбошлаш жараёнини секинлаштиради ва муомала ҳаражатларини оширади.

Шундай экан, аҳолини ва дорихона профилактика муассасаларини узулуксиз дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлашда иқтисодий таҳлил алоҳида ўрин тутди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманининг 7-сон дорихона мисолида унинг савдо-молия фаолиятни иқтисодий таҳлил қилдик. Бунинг учун савдо ҳажми динамикасининг таҳлилинни ўтказдик. Маълумки, бир неча йиллик савдо ҳажмини таҳлили нарх индекси асосида ўтказилмас, таҳлил натижаларида аниқ хулоса чиқариб бўлмайди. Шу мақсадда биз, нарх индексидан фойдаланган ҳолда амалда бажарилган савдо ҳажмини базис йилга (2013 йил) нисбатан қайтадан ишлаб чиқдик ва солиштирма таҳлил ўтказдик. Таҳлил учун дорихонанинг 2013-2015 йилларга молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва бухгалтерия балансидан фойдаланилди ва олинган натижалар шуни курсатдики, 2013-2015 йилларда савдо ҳажми ўртача 5,1% ўсган.

Дорихонанинг савдо ҳажми динамикасига кўплаб омиллар таъсир қилади. Уларни куйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- заҳираларга боғлиқ бўлган омиллар;
- дорихона ходимлари ва
- меҳнат унумдорлиги;

моддий-техник база ва унинг ишлатилиш самарадорлиги;

Савдо ҳажмини ошишига таъсир қиладиган асосий омил бу дорихонадаги заҳиралар ва улардан оқилона фойдаланишдир. Чунки савдо ҳажми дорихонага ўз вақтида келиб тушаётган товар моддий бойликлар ва уларни сафдан чиқариш билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, ҳисобот даври бошида бўлган заҳиралар ҳажмига нисбатан юқори бўлиши савдо ҳажмига ижобий таъсир этади ва ҳисобот даврининг охирида қолган заҳираларнинг кўпайиши эса, аксинча, салбий таъсир кўрсатади.

Таҳлил жараёнида дорихонада ўтказилган инвентаризация маълумотлари ва молиявий натижалар ҳисоботидан фойдаланилди. Дорихонага келиб тушган товар-моддий бойликлар ҳажми товар-баланс формуласи асосида ҳисоблаб топилди:

$$П = O_2 + P - O_1$$

Бунда, П – келиб тушган товар-моддий бойликлар

$O_1$  – ҳисобот даври бошига бўлган заҳиралар қолдиғи

$O_2$  – ҳисобот даври охирига бўлган заҳиралар қолдиғи

P – савдо ҳажми

Дорихонанинг заҳиралар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш учун, ҳар бир кўрсаткичнинг савдо ҳажмига таъсирини абсолют суммада ва нисбий фоизларда таҳлил қилиниши зарур.

Таҳлил натижаларида 2014 ва 2015 йил бошида товар-моддий бойликлар қолдиғи 8,5% дан 43,6% гача кўпайиши савдо ҳажмини ортишига, 2014 йил охиридаги заҳиралар ҳажми эса 51,4% га кўпайиши савдо ҳажмига салбий таъсир кўрсатгани аниқланди.

Меъёридан ортиқча бўлган (51,4%) товар-моддий бойликлар, уларни сақлаш ва бошқа ҳаражатлар билан боғлиқлиги сабабли, 2014 йилда муомала ҳаражатларини 15,1%га ўсишига сабаб бўлган. Ўз навбатида, товар-моддий бойликларни келтирилиши 37,3%дан 8,0% гача камайган.

Иқтисодий таҳлилнинг кейинги босқичида биз, муомала ҳаражатларини охириги 3 йилдаги ҳажмини абсолют суммада ва нисбий фоизларда ўргандик.

Урганиш жараенида шунга амин булдикки, муомала ҳаражатлари таҳлил қилинаётган даврда ўсиб борган, жумладан 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 1202,2 минг сўмга ва 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 62,4 нинг сўмга кўп бўлган. Аммо, савдо ҳажмига нисбати фоиз кўринишидаги таҳлил натижаларида 2014 йилда 2013 га нисбатан 3,0 % га ўсган бўлса, 2015 йилда 2,5%га пасайганини кўриш мумкин.

**Хулоса:** таҳлил натижаларида савдо ҳажмининг ўсиши, тежамкорликнинг мавжудлигига қарамай рентабеллик даражаси пастлигини кўрсатади ва унинг ўртача ўсиш суръати савдо ҳажмини ўсиш суръатидан 5-6 мартаба кам эканлиги аниқланди.

**Тавсиялар:** 1. Товар-моддий бойликларни савдо майдонига жойлаштиришда харидорларга кўринадиган, ёруғ ҳамда ассортимент турли категориядаги (нафакахўрлар, яхши таъминланган ва бошқалар) харидорларга мослаштирилган бўлиши керак.

2. Савдо майдонининг кенгайтирилиши, ишлаб чиқарувчилар томонидан рецептсиз сотиладиган дори воситалар рекламасини жойлаштириш имконини яратади, бу эса ўз навбатида бевосита рентабелликни кўтарувчи омиллардан биридир.

3. Дорихона жойлашган ҳудуддаги даволаш профилактика муассасалари билан ҳамкорлик ишлари, дорихона ассартиментини шакллантиришга ва товар-моддий бойликлар айланмасини тезлаштиришга олиб келади.

4. Ходимлардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширади ва муомала ҳаражатларини тежайди. Тизимли равишда ходимларни замонавий услублар бўйича (мерчандайзинг, савдони фаоллаштириш, савдо технологияси) малакасини оширишни ташкил қилиш, дорихонага келаётган харидорлар оқимига ижобий таъсир кўрсатади.

**Адабиётлар:** 1. Лоскутова Е.Е. Экономика аптечных организаций: учеб./под общ.ру. Е.Е.Лоскутовой – М.: Академия 2008. – 428 с

2. Савельева З.А., Лоскутова Е.Е., Зайцева З.И., Карташова О.В. "Основы экономики аптек". М; 2001.

3. Рыжкова М.В., Сбоева С.Г. "Финансовый менеджмент аптечного предприятия". МЦФЭР, М; 2000.

**Искандарова Ш.Ф., Джаббаров Н.А., Рахимова Ш.Н.**

#### **БИОЛОГИЧЕСКИЕ АКТИВНЫЕ ДОБАВКИ К ПИЩЕ. СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ**

Ташкентский фармацевтический институт, Ташкент, Республика Узбекистан

E-mail: pharmi@pharmi.uz

Для улучшения состояния здоровья, трудоспособности и увеличения продолжительности жизни необходимы обеспечение полноценным питанием с сбалансированным набором аминокислот, ликвидировать дефицит витаминов, минеральных веществ, микроэлементов, а также разработка и совершенствование технологии производства, обеспечивающей высокое качество пищевых продуктов.

На современном этапе БАД, содержащие различные природные биоактивные соединения, являются составной частью оптимального питания человека, они стали реальным и важнейшим элементом современной жизни.

В развитых странах мира БАД выпускаются и потребляются в огромных масштабах, что позволило в значительной степени повлиять на уровень здоровья целых наций. Известно, что нарушение нормального питания может привести к изменениям метаболизма клеток, связанным либо с повреждением генетического аппарата, либо с недостаточностью незаменимых компонентов пищи или с их избыточностью. Для ликвидации имеющихся дефицитов в рационе питания рекомендуется использование БАД к пище.

Индустриализация процессов заготовки и переработки пищи привела к денатурации многих эссенциальных элементов. Компонентами пищи становятся пестициды, гормоны, антибиотики и другие химические вещества, консерванты, ароматизаторы, красители и добавки, используемые для интенсификации сельскохозяйственного производства, а также для улучшения качества готовой продукции.

Употребление в пищу продуктов растительного происхождения имеет в настоящее время ряд национальных особенностей. В восточных странах в кулинарии применяется более 1000 наименований различных растительных продуктов и компонентов. В странах Западной Европы обычно употребляется в пищу только 2-3% известных съедобных растений.

В настоящее время известны биологически активные вещества, являющиеся незаменимыми для всего растительного мира (органические кислоты, фенольные